

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СЕЙТКАСЫМОВ ДАУЛЕТНАЗАР БЕКНАЗАРОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДАГИ СИФАТЛАРНИНГ  
ДЕРИВАЦИЯСИ**

**10.00.03 – Қорақалпоқ тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

<b>Сейткасымов Даулетназар Бекназарович</b> Қорақалпоқ тилидаги сифатларнинг деривацияси.....	3
<b>Сейткасымов Даулетназар Бекназарович</b> Деривация прилагательных в каракалпакском языке.....	25
<b>Seytkasimov Dauletnazar Beknazarovich</b> Derivation of adjectives in the Karakalpak language.....	47
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	51

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СЕЙТКАСЫМОВ ДАУЛЕТНАЗАР БЕКНАЗАРОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДАГИ СИФАТЛАРНИНГ  
ДЕРИВАЦИЯСИ**

**10.00.03 – Қорақалпоқ тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Fil72 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Қудайбергенов Мамбеткерим Сарсенбаевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ибрагимов Юлдаш Маткаримович**  
филология фанлари доктори

**Нажимов Пердебай Айманович**  
филология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Н. Абдиназимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Т.А. Керуенов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д. (DSc)

**Қ.К. Жаримбетов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги замон жаҳон филологияси лингвистик тадқиқотларида тилнинг фақат ташқи шакли эмас, балки унинг лисоний бирликлари ички ҳолати, яъни семантикасини тизимли таҳлил қилишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Корпус лингвистикаси, дискурсология, социолингвистика, психолингвистика, инфографика ва альтернатив тилшунослик йўналишлари жадал ривожланиб, бадиий матнни лингвистик таҳлил қилишга асосланган когнитив поэтика ҳамда дискурсларни комплекс тадқиқ этиш тамойиллари такомиллашди. Тилнинг морфемик таркиби ва сўз туркумларининг функционал-семантик хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида тил луғат таркибининг бойишида деривациянинг аҳамияти катта эканлиги исботланди. XX аср охирларига келиб сўз туркумларини ташкил этувчи семантик бирликларни комплекс ўрганишдан иборат янги назарий қарашларнинг қорақалпоқ тилшунослигига татбиқ этилиши натижасида сифат ясовчи аффиксларни семасиологик жиҳатдан тадқиқ этиш эҳтиёжи юзага келди.

Дунё тилшунослигида прагмалингвистика, лингвоаксиология, лингвоконцептология, лингвосомиотика ва лингвокультурология йўналишларидаги тадқиқотларнинг жадаллашуви натижасида сифат деривациясининг назарий масалалари, жумладан, тилнинг лексик-семантик тизимида сифатларнинг тутган ўрни ва уларнинг асосий типлари аниқланди. Сифатнинг семантик асослари ва уларни семик таҳлил этиш методлари такомиллаштирилиб, сифатнинг тил структурасидаги лингвистик вазифалари асосланди. Сифатларнинг лисоний табиатини таҳлил қилиш натижасида унинг тил луғат таркибини бойитишдаги ўрни белгиланди. Систем-структур тилшуносликка оид шу каби энг янги илмий-назарий концепциялар асосида қорақалпоқ тили сўз ясалишини ривожлантириш, айниқса, жаҳон тилшунослигининг янги концепцияларини қўллаган ҳолда сифат деривациясининг тўла ечимини топмаган жиҳатларини ёритиш ҳозирги қорақалпоқ тилшунослигини янги босқичга кўтариш учун хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни қайта тиклаш борасида амалга оширилган ишлар халқимизнинг маънавий дунёсини ўзида акс эттирган она тилини кенг кўламда ривожлантириш ва унинг жамиятда қўлланиш доирасини янада кенгайтиришга олиб келди. Зеро, тилшуносликнинг фонетика, лексикология, грамматика, стилистика каби йўналишларида кўплаб янги тадқиқотлар юзага келгани ҳолда ҳали ўз тадқиқини кутаётган жиддий назарий муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, сифат деривациясининг назарий асосларини аниқлаш, сўз яшаш таркиби, ясалиш усуллари ва унинг луғат таркибидаги ўрнини белгилаш ана шундай долзарб масалалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги

ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 22 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2909-сон қарори», 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида деривация ҳодисасининг моҳияти ва тил луғат таркибининг бойишидаги ўрни,<sup>1</sup> хусусан, сифат деривацияси ва семантикаси масалалари<sup>2</sup> анча чуқур ўрганилган. Қатор туркий тилларда сифатларнинг ясалиш хусусиятлари кенг тадқиқ қилиниб, уларга хос асосий белгилар аниқланган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Актуальные проблемы дериватологии, мотивологии, лексикографии. – Томск, 1998; Казак М.Ю. Интегративная теория словообразовательного гнезда. – Белгород: БелГУ, 2004; Николина Н.А. Словообразование современного русского языка. – М.: Академия, 2005; Варламова М.Ю. Семантическая деривация на базе наименований лица в современном русском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Казань, 2008; Исследования по глагольной деривации. – М., 2015; Тратникова А.В. Понятие семантической деривации // Актуальные вопросы филологических наук. – Казань, 2015. – С.53-55.

<sup>2</sup> Молчанова Н.Ф. Сложные прилагательные в современном русском языке. – Йошкар-Ола, 1994. – 99 с.; Ускова О.А. Семантические и структурно-морфологические особенности относительного прилагательного: Автореф. дис... канд. филол. наук. – М., 1994. – 27 с.; Чан Чун Хе Чжин. Семантическая структура отсубстантивных прилагательных с суффиксом -н- в современном русском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – М., 1994. – 17 с.; Белова Т.В. Прилагательные в языке и речи: деривация прилагательных в народной речи как результат структурно-семантических отношений слов: Автореф. дис... канд. филол. наук. – М., 2005; Жантурина Б.Н. Семантическая деривация перцептивных прилагательных (на материале русского и английского языков); Автореф. дисс. доктора филол. наук. – Нальчик, 2013; Сандакова М.В. Железобетонный аргумент (семантическая деривация прилагательного в русском языке XXI века) // Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Русская филология. – М., 2018. – №2. – С.77-86.

<sup>3</sup> Шарипова К.А. Словообразующие аффиксы –лик, –ли, –чилик в узбекском языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1972. – 29 с.; Содиқова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. – Тошкент: Фан, 1974. –Б.49-55; Қўлдошев М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сифат ясовчи маҳсулдор аффикслар. Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 1994. – 21 б; Петжиқова М. Тўркмен дилинде сыпатларың ясалышы ве маны топарлары. Филол. ылым. кандидаты... дисс. автореф. – Ашгабат, 1995. – 22 б; Иноятлова Р.М. Словообразовательная и лексическая семантика прилагательных соотносительных тематических групп узбекского и русского языков. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1998. – 22 с; Ким Бьёнг Иль. Семантико-грамматическое и стилистическое особенности однокоренных параллельных прилагательных с различной аффиксальной частью в современном узбекском языке. Автореф. дис... канд. филол. наук. –Ташкент, 2000. – 28 с; Сыздыкова Г.О. Семантическая и стилистическая характеристика относительных прилагательных в современном казахском языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Астана, 2000; Калтайқызы О.Б. Семантика отглагольных прилагательных. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Астана, 2001; Костенко В.А. Имена прилагательные в современном татарском литературном языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Казань, 2002. – 22 с; Чамсутдинова З.М. Морфолого-синтаксическая и деривационная характеристика прилагательного в кумыкском языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Махачкала, 2003. – 19 с; Есматова М.Т. Словообразовательная система отыменных производных прилагательных. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Астана, 2004; Юнусова Ф.Р. Морфемная структура и словообразование имен прилагательных в башкирском языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Уфа, 2005. – 22 с; Газаева З.А. Механизмы семантической деривации параметрических прилагательных (на материале карачаево-балкарского, русского и английского языка). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Нальчик, 2011.

Қорақалпоқ тилида сифатлар деривациясига доир айрим илмий қарашлар Н.А.Баскаков, А.Бекбергенов, А.Нажимов, А.Аймурзаева, М.Кудайбергенов, Б.Т.Юсупова, Қ.Пахратдинов, И.Сейтназарова ва бошқа олимларнинг ишларида баён этилган<sup>4</sup>.

Шундай бўлса-да, қорақалпоқ тилидаги ясама сифатларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг функционал-семантик моҳияти ва деривацияси ҳар томонлама тадқиқ этилмай келаётган масалалардан бири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Қорақалпоқ давлат университетининг «Ҳозирги қорақалпоқ тилининг муҳим масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳозирги қорақалпоқ тилида сифат деривацияси, морфемик таркиби ва сифат ясовчи аффиксларнинг функционал-семантик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳозирги қорақалпоқ тилидаги сифат ясовчи аффиксларни семантик гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиш;

белгига эгаликни билдирувчи сифат ясовчи аффиксларнинг маъно ва вазифаларини аниқлаш;

белгини инкор этишни кўрсатувчи сифат ясовчи аффиксларнинг функционал-семантик хусусиятларини белгилаш;

белгига мойилликни ва нисбий белгини ифодаловчи сифат ясовчи аффиксларнинг ўзига хос семантик моҳиятини аниқлаш;

қорақалпоқ тилида қўшма сифатларнинг таркибий тузилиши ва семантикасини очиб бериш;

бошқа сўз туркумларига оид сўзларнинг сифатга ўтиш ҳодисасининг лингвистик табиатини ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қорақалпоқ шоир ва ёзувчиларининг асарлари, вақтли матбуотда эълон қилинган материаллар, қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди намуналари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети.** Қорақалпоқ тилида сифат деривацияси, белгига эгалик, белгини инкор этиш, белгига мойиллик ва нисбий белгини билдирувчи

---

<sup>4</sup> Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. II. Фонетика и морфология. Часть первая (части речи и словообразования). – М.: 1952. – С.189-205; Ҳазирги қарақалпақ тили. Морфология. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1974; Бекбергенов А. Қарақалпақ тилинде сөзлердиң жасалыўы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979; Нажимов А. Қарақалпақ тилиндеги жуп хәм тәкирар сөзлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. – Б.47-86; Ҳазирги қарақалпақ тили. Морфология. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1981. – Б.75-84; Аймурзаева А. Субстантивация имен прилагательных и причастии в современном каракалпакском языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 21 с.; Ҳазирги қарақалпақ әдебий тилиниң грамматикасы. Сөз жасалыў хәм морфология. – Нөкис: Билим, 1994. – Б.45-56; Кудайбергенов М. Қарақалпақ тилиниң морфемикасы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2001; Юсупова Б.Т. Стилистическое использование прилагательных в художественном произведении (на материалах произведений И. Юсупова). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Нукус, 2001. – 22 с.; Пахратдинов Қ., Сейтназарова И. Қарақалпақ тилиндеги сөз жасаўшы аффикслер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2010. – Б.17-25; Da'wletov A., Da'wletov M., Qudaybergenov M. Ha'zirgi qaraqalpaq a'debiy tili. Morfemika, morfonologiya, so'z jasalw, morfologiya. – No'kis: Bilim, 2010. – Б.55-60; Пахратдинов Қ., Сейтқасымов Д. Қарақалпақ тилиндеги келбетлик жасаўшы аффикслер. – Нөкис: Билим, 2013; Юсупова Б.Т. И.Юсупов шығармалары тилинде келбетликтин стильлик хызметлери. – Ташкент: Tafakkur qanoti, 2014. -136 б.; Пахратдинов Қ., Әбдимуратов Т. Қарақалпақ тилиндеги конверсия. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2016. – Б.10-12; – Б.61-68.

сифатларни ясовчи аффиксларга хос кўп маънолилик, синонимик ва омонимик хусусиятлар, мураккаб, жуфт, такрор ва қўшма сифатларнинг тузилиши, семантикаси ва адъективация ҳодисасининг лексик-семантик хусусиятлари тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда диахрон, синхрон, семантик-структур, структур-функционал, компонент таҳлил, тавсифий, баён қилиш ва фикрни хулосалаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ тилшунослигида биринчи марта сифат семантик деривациясининг лингвомаданий моҳияти очиб берилиб, сўз яшашнинг аффиксация усулида муайян лексемага аффиксларнинг қўшилиши орқали янги маънодаги сифатлар ясалиши асосланган;

қорақалпоқ тилидаги сифат ясовчи аффикслар семантик хусусиятларига кўра белгига эгалик, белгини инкор қилиш, белгига мойиллик ва нисбий белгини билдирувчи гуруҳларга ажратиб таснифланган ҳамда уларнинг кўп маънолилик, синонимик ва омонимик хоссалари очиб берилган;

мураккаб, жуфт, такрор ва қўшма сифатларнинг таркиби ва семантикасини тадқиқ қилиш асосида қорақалпоқ тилидаги мураккаб сифатлар тузилишига кўра иккала қисми ҳам туб сўзлардан таркиб топган мураккаб сифатлар ва биринчи қисми туб сўз, иккинчи қисми ясама сўздан таркиб топган мураккаб сифатларга бўлиниши далилланган;

ҳозирги қорақалпоқ тилида такрор сифатлар муайян бир лексеманинг такрорланиб келиши асосида ясаиб, тузилишига кўра икки компоненти ҳам аслий сифатлар, икки компоненти ҳам нисбий сифатлар, икки компоненти ҳам от ҳамда олмошдан тузилган сифатларга бўлиниши асосланган;

қорақалпоқ тилида қўшма сифатларнинг тузилиши «сифат+сифат», «сифат+от», «сифат+феъл», «сифат+маъноси номаълум сўз», «от+от» «от+сифат» ва «от+сифатдош» моделларидан иборатлиги ҳамда бошқа сўз туркумларидаги сўзларнинг сифатга ўтиш ҳодисаси мавжудлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

ҳозирги қорақалпоқ тилида сифат ясовчи айрим аффикслар қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тилидаги сифат ясовчи аффикслар билан қиёслаб ўрганилган;

сифат ясовчи аффиксларнинг маънолари, функционал-семантик кўлами аниқланиб, мураккаб, жуфт, такрор ва қўшма сифатлар моҳияти ёритилган;

сўзларнинг бир сўз туркумидан иккинчисига ўтиш ҳодисасининг лингвистик тамойиллари очиб берилган ҳамда унинг тил луғат таркибини бойитишдаги аҳамияти асосланган;

қорақалпоқ тилидаги от, феъл, сон, предикатив ва модал сўзларнинг конверсия усули билан сифатга ўтиш ҳодисаси ўрганилган;

тадқиқот материалларининг қорақалпоқ тили сўз ясалиши ва морфология соҳалари бўйича янги дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларни такомиллаштиришдаги аҳамияти асосланган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда ҳозирги тилшуносликда қўлланилаётган тадқиқ усуллари асосида мавзуга оид илмий асосланган назарий хулосаларга келингани, қорақалпоқ тили материалларидан танлаб олинган мисолларни таҳлил қилиш орқали сифатларнинг деривацион хусусиятлари билан боғлиқ умумий назарий фикрлар илгари сурилиши тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан далилланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ушбу тадқиқот қорақалпоқ тилида сифат деривациясини махсус ўрганиш бўйича дастлабки қадам бўлиб, келгусида айна шу йўналишдаги изланишлар учун муҳим манба ва назарий асос вазифасини бажаради. Унда эришилган натижа ва хулосалар қорақалпоқ адабий тилининг сўз ясалиши ҳамда морфология соҳаларидаги бир қатор масалаларга аниқлик киритади.

Тадқиқотнинг хулоса ва материалларидан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари учун «Ҳозирги қорақалпоқ адабий тили», «Қорақалпоқ тилининг морфемикаси», «Қорақалпоқ тилининг морфологияси» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар, монографиялар ёзишда, қорақалпоқ адабий тилида сифат бўйича махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоқ тилида сифат деривациясини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

сифат деривацияси ва сўз яшаш хусусиятлари илмий-назарий умумлашмаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-13229 рақамли «Ҳозирги замон қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги лойиҳани амалга оширишда, хусусан, сифатларнинг ясалиши, структур-семантик ўзгартириш усуллари ва функционал қўлланиш жараёнини тадқиқ этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтининг 2019 йил 8 январдаги 08/1-сон маълумотномаси). Натижада сифатлар деривациясининг қорақалпоқ тилининг сўз ясалиши соҳасидаги ўрнини аниқлашга эришилган;

сифат ясовчи аффикслар, қўшма сифатлар ва адъективация ҳодисасининг қорақалпоқ мумтоз адабиёти ва ҳозирги адабий жараёнда бажарадиган вазифаси билан боғлиқ фикрлар Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг «Тилга эътибор – элга эътибор» номли туркум эшиттиришларини тайёрлашда қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2018 йил 2 октябрдаги 01-02/447-сон маълумотномаси). Натижада кенг жамоатчиликнинг нутқ жараёнида сифатларни қўллаш меъёрлари ва самарадорлиги бўйича билимларини бойитишга эришилган;

тадқиқот иши материалларидан Қорақалпоқ давлат университети қошидаги Бердақ миллий музейида шоирнинг ҳаёти ва ижодиёти бўйича кўргазмаларни экскурс дарсларини ўтишда ва илмий-назарий анжуманларда маъруза шаклида қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 11 февралдаги 2-03/267-сон маълумотномаси).

Натижада Бердақнинг тили ва услубини ўрганиш, сўз қўллаш маҳоратини таҳлил қилиш ва поэтик хусусиятларини очиб бериш бўйича тавсиялар амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 та хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва шартли қисқартмалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 133 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аффикслар орқали ясалган сифатлар**» деб номланган биринчи боби тўрт бўлимдан иборат. Унинг биринчи қисми «**Белгига эгаликни билдирувчи сифат ясовчи аффикс**» деб аталади. Ушбу қисмда белгига эгаликни англатувчи *-лы//ли* аффиксининг маъно ва вазифалари тўғрисида сўз юритилган.

1) *-лы//ли* аффикси отларга қўшилганда англашилган нарсанинг, ҳодисанинг белги сифатида мавжуд эканлигини: *мэнзилли* бағдарлама; 2) ҳаракатга доир белгини: *сапалы* культивациялаў; 3) белгининг нарсада миқдордан ортиқлигини: *жоталы* жигит; 4) нарсанинг кўплигини: *дузлы* суў; 5) кадр-қимматни: *атақлы* қосықшы; 6) ижтимоий ҳолатни: *аўқатлы* хожалық; 7) феъл-атвор белгисини: *уқыплы* бала; 8) ҳиссий ҳолатни: *қуўанышлы* сезим; 9) таъмни: *зэхәрли* тағам; 10) ҳодисага боғлиқ белгини: *даўлы* маселе; 11) табиат ҳодисалари белгисини: *жаўын-шашынлы*; 12) географик муҳитни: *сырт елли* инвестор; 13) ёш хусусиятини: *некели*; 14) эвфемизмни: *көзли*; 15) илмий атама: *мультиспираллы аппарат* сингари маъноларни ҳосил қилади; 16) тана аъзоларини ифодаловчи баъзи отларга қўшилганда кўчма маъноларни билдиради: *аўызлы* – «жанжаллашишга мойил», *жүрекли* – «қўркмас», *қоллы-аяқлы* – «чаққон»; 17) фраземаларга қўшилиб, белгини янада кучайтиради: *аўыр аяқлы*; 18) ранг ифодаловчи сифатларга қўшилганда кўчма маънода

ишлатилади: *қаралы* – «иши юришмаган», *ақлы* – «кўриш аъзосида нуксони бор»; 19) баъзи сифатларга кўшилганда асосий маънога кўшимча эмоцияга эга бўлиб, белгини янада таъсирчан ифодалайди: *қызық китап* – *қызықлы китап*; 20) *беш* сонига кўшилиб, беш ёшдан катта йилқини англатади: *бесли*; 21) модал сўзлардан белгини кўчайтирувчи сифат ясайди: *керекли буйым*; 22) феълларга – *ым* кўшимчасидан кейин кўшилади: *жағымлы*. В.А.Костенко –*лы//ли* аффиксининг феълларга кўшилишидаги бу ҳолатнинг сабабини кўрсатмаган бўлса<sup>5</sup>, М.Кудайбергенов интерфонемалар ҳосил бўлади, деб ҳисоблайди<sup>6</sup>. 23) –*лы//ли* аффикси шакл яшаш хусусиятига ҳам эга. У предметнинг бирор нарсага эгалиги, унда нимадир бор эканлигини ифодаловчи шакл ясайди: *сумкалы бала* – *сумкасы бар бала*, *сумка услаган бала*. Аммо –*лы//ли* аффиксли барча сўзлар бу вазифани бажармайди. Масалан, географик муҳитни ифодаловчи *нөкисли жигит*, *қалалы адам* бирикмаларидаги сифатларга «бор», «эга» сўзларини боғлай олмаймиз; 24) –*лы//ли* аффиксли баъзи сифатлар даража кўрсаткичларини қабул қилади: *ақыллырақ*, *жудә ақыллы*, *ап-ақыллы*; 25) –*лы//ли* аффикси –*дар* (*жаралы* – *жарадар*), –*шыл//шил* (*кекли* – *кекшил*), –*шаң//шең* (*тәсирли* – *тәсиршең*), –*шақ//шеқ* (*ашыўлы* – *ашыўшақ*), –*кер* (*айыплы* – *айыпкер*), –*дан* (*қәдирли* – *қәдирдан*) аффикслари билан ўзаро синонимик қаторни, –*сыз//сиз* аффикси ва *бий-* префикси билан эса қарама-қарши маъноли сўзларни ҳосил қилади: *ақыллы* – *ақылсыз*, *хабарлы* – *бийхабар*.

Биринчи бобнинг «**Белгини инкор этувчи сифат ясовчи аффикслар**» деб номланган иккинчи қисмида –*сыз//сиз* аффикси ва *на-*, *бий-* префиксларининг маъно ва вазифалари ўрганилган.

–*сыз//сиз* аффикси –*лы//ли* аффиксига зид маънода ишлатилади.

1) отларга кўшилиб, асосдан англашилган белгини инкор қилади: *суўсыз жер*; 2) ҳаракатнинг белгисини: *қанарсыз тасыў*; 3) миқдорнинг камлигини: *сутсиз сыйыр*; 4) мўл-кўлликни (*шексиз дала*) ифодалайди; 5) ранг ифодаловчи сифатларга кўшилганда кўчма маънода ишлатилади: *ақсыз қалыў* (сут, қатиксиз қолиш); 6) олмошларга кўшилиб, шакл ясовчи аффикс вазифасини бажаради: *менсиз*, *бизлерсиз*; 7) шакл ясовчилик вазифаси эгалик кўшимчасини олган сўзлардан кейин (*баламсыз*), исмларга (*Базарбайсыз*), пайт ва миқдор маъносини ифодаловчи сўз бирикмаларига (*бес айсыз*) кўшилганда яққол кўринади; 8) модал сўзлардан: *керексиз* зат; 9) феъллардан: *жуғымсыз*; 10) ҳаракат номидан (*қараўсыз*) сифат ясайди; 11) атамалар ҳосил қилади: *үнсиз даўыссыз*; 12) охирги пайтларда равишларга кўшилиб, сифат яшаш ҳолатлари кузатилмоқда: *тынышсыз шаңарақ*; 13) *бий-*, *на-* префикслари билан синонимик қатор пайдо қилади: *гәрезсиз* – *бийгәрез*, *инсапсыз* – *наинсап*.

*бий-*, *на-* префикслари фақат келиб чиқиши форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларнинг таркибидагина учрайди: *бийгам*, *надурис*. Бу элементлардан қорақалпоқ тилида янги сўз ясалмайди, аммо тилимизнинг

<sup>5</sup> Костенко В.А. Имена прилагательные в современном татарском литературном языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Казань, 2002. – 22 с.

<sup>6</sup> Кудайбергенов М. Қарақалпақ тилинің морфонологиясы. – Ташкент: Зар қалам, 2006. – Б.102.

луғавий таркибида бу элементлар иштирок этган сўзлар сон жиҳатидан муайян ўринни эгаллайди.

Биринчи бобнинг учинчи қисми «**Белгига мойилликни ифодаловчи сифат ясовчи аффикслар**» деб номланади. Бу бўлимда *–шаң//–шең*, *–шыл//–шил*, *–ғыш//–гиш*, *–қыш//–киш*, *–ғыр//–гир*, *–қыр//–кир*, *–аўық//–еўик*, *–шақ//–шек*, *–зақ//–зек*, *–қақ//–кек*, *–ақ//–ек*, *–ық//–ик*, *–азан//–еген* аффикслари ўрганилган.

*–шаң//–шең* аффикси 1) от ва ҳаракат номига қўшилиб, инсон ёки нарсанинг асосдан англашилган маънога мойиллигини: *талапшаң* илимпаз, *умтылыўшаң* жаслар; 2) нарсанинг нормал ҳолатдан ортиқлигини: *бойшаң* жигит; 3) маъно жиҳатдан яқинликни (*ойшаң* – *ойшыл*, *исшең* – *искер*) ҳосил қилади.

*–шыл//–шил* аффикси 1) отларга қўшилиб, белгининг кучлилигини: *сыншыл* ақсақал; 2) ранг билдирувчи сифатларга қўшилганда кўчма маънони, яъни йилқининг характерини ифодалайди: *қарашыл*, яъни хуркак; 3) отлашган ўзим олмошидан кейин қўшилади: *өзимшил*.

*–ғыш//–гиш*, *–қыш//–киш* аффикси бугунги кунда ҳам сўз ясада иштирок этмоқда: Қаламыздың *суў өткизгиш* тармақлары жеңил оңлаўдан шығарылды («Еркин Қарақалпақстан» газетасы). Бу аффикс синонимия (*билгиш* – *билгир*, *тислегиш* – *тислеўик*) ҳодисасини ҳосил қилади.

*–ғыр//–гир*, *–қыр//–кир*, *–аўық//–еўик*, *–шақ//–шек*, *–зақ//–зек*, *–қақ//–кек*, *–ақ//–ек*, *–ық//–ик*, *–азан//–еген* аффикслари феълларга (*өткир*, *тебеўик*, *уялшақ*, *жабысқақ*, *қашақ*, *иймек*, *қысық*, *қашаған*) қўшилиб, асосдан англашилган маънога мойилликни, ташқи кўриниш ва феъл-атворни ифодаласа, *–ақ//–ек*, *–азан//–еген*, *–аўық//–еўик* аффикслари ўртасида ўзаро синонимия ҳодисаси содир бўлади: *қашақ-қашаған-қашаўық*. Шунингдек, *–ғыр//–гир*, *–қыр//–кир*, *–зақ//–зек*, *–қақ//–кек* ва *–ық//–ик* аффикслари ҳосил қилган сўзлар матнда кўчма маънода ҳам ишлатилиш хусусиятига эга: – Ата, бизиң мына бас, мына компьютердиң мийи жүдә *илгир*, сөзбе-сөз үтирин түсирмей жазып алады (Ә.Атажанов). Улым, *қысық* көкиректен *қысық* ақыл шығады екен (Т.Қайыпбергенов).

Биринчи бобнинг «**Нисбий белгини ифодаловчи сифат ясовчи аффикслар**» деб номланган тўртинчи қисмида *–лық//–лик*, *–дай//–дей*, *–тай//–тей*, *–ғы//–ги*, *–қы//–ки*, *–лас//–лес*, *–ы//–и*, *–ма//–ме*, *–ба//–бе*, *–па//–пе*, *–малы//–мели*, *–балы//–бели*, *–палы//–пели*, *–ыңқы//–иңки*, *–ый//–ий* аффиксларининг маънолари ўрганилган.

*–лық//–лик* аффикси от ясада ҳам, сифат ясада ҳам унумли ишлатилади. Агар *–лық//–лик* аффикси орқали ясалган ясама сўз маъносига кўра предмет маъносидаги тушунчани англаиб, эгалик ва келишик қўшимчасини қабул қилишга хос бўлса, у от бўлади: *Жаслығым* ядыма түсти. Агар бу аффикс орқали ясалган ясама сўз предметнинг белгисини ифодалаб келса, у сифат бўлади: *мәмлекетлик* бағдарлама, *социаллық* кейпийат, *экологиялық* кластер. Бу аффикс 1) отлардан нарсага, ўринга, лавозимга тегишлиликни: *логистикалық* орай; 2) вақтни: *жыллық* жоба; 3) мураккаб атамани: *мурынлық* даўыссыз; 4) сонларга қўшилганда ҳажмни ифодалайди: *беслик* тахта.

–*дай//дей*, –*тай//тей* аффикси нарса-ходисаларни иккинчи бир нарса-ходисаларга қиёслайди: *адамдай*, *қыздай*. Ш.Раҳматуллаев –*дай//дей*, –*тай//тей* аффикси қўшилган от луғавий маъносини сақлайди, янги лексик мазмун пайдо бўлмайди, шу боис бу аффиксни сўз ясовчи эмас, балки шакл ясовчи деб талқин қилиш керак деса<sup>7</sup>, Г.Мусабаев сўз ясовчилар қаторига киритиб, асосий маъноси ўхшатиш, қиёслаш эканлигини кўрсатади<sup>8</sup>. П.Нажимов бу аффикс орқали ясалган сўзлар асосий ўзакдаги маънодан бутунлай бошқа маъно ҳосил қилмайди, шу боис уни ўхшатиш, қиёслаш маъноли сўз ясовчи қўшимча деб қараганимиз маъқул деб ҳисоблайди<sup>9</sup>. Бизнинг фикримизча, бу аффиксни сўз ясовчилар қаторига қўшиш маъқул, сабаби отларга қўшилганда маъносида ўзгариш юз беради. Масалан: *таў (не?)*, *таўдай (қандай?)*. Унинг отдан бошқа модал сўзларга (*керектей*, *лазымдай*), ҳаракат номи феъли шаклларига (*көриўдей*, *ишиўдей*, *сезиўдей*), сифатдошларга (*алатуғиндай*, *беретуғиндай*) қўшилгандаги шакл ясовчилик хоссасини ҳам инкор этиб бўлмайди.

–*ғы//ги*, –*қы//ки* аффикси 1) нарсанинг белгисини: *тийқарғы*; 2) пайтни: *быйылғы*; 3) ўрин билан боғлиқ белгиларни (*жоқарғы*) ҳосил қилади.

–*лас//лес* аффикси от яшашда ҳам, сифат яшашда ҳам қўлланилади, яъни «бир», «бир хил» деган маънони ифодалайди. Агар сўзнинг асоси кўпроқ инсонга хосликни ифодаласа, –*лас//лес* аффикси от маъносида ишлатилади: *заманлас*, *курслас* ва бошқалар. Агар –*лас//лес* аффиксидан ясалган сўз белгини ифодаласа, сифат бўлади: *манилес* (сөз) – «бирдей мәнидеги (сөз)», *аўқамлас* (республикалар) – «бир аўқамга киретуғин республикалар».

–*ы//и* аффикси бирор нарса ишлаб чиқарувчи халқ, эл номларига қўшилади ва шу нарсанинг яратилган муҳитини ифодалайди: *тўркмени* (ат, гилем). Шунингдек, шакл ясовчилик вазифасида келиши ҳам учрайди. Бундай ҳолатда сўзнинг маъноси ўзгармайди ва гапга қўшимча услубий бўёқ беради: *ҳарам* адам – *ҳарамы* адам.

–*ма//ме*, –*ба//бе*, –*на//не* аффикси от ва сифат яшашда ҳам унумли қўлланилиб, тилимизда оморфема сифатида ишлатилади ва икки вазифада ҳам ҳозирги қорақалпоқ адабий тилида кенг қўлланилади. Агар –*ма//ме*, –*ба//бе*, –*на//не* аффикси билан ясалган ясама сўз предмет маъносида кўпроқ ишлатилса, у от бўлиб келади: *тапсырма*, *қысна*, *тартпа*, *көргизбе* ва бошқалар. Агар у предметнинг фақат белгисини ифодаласа, сифат бўлиб келади: *екпе сексеўил*, *жасалма көл* ва шу кабилар. 1. Аниқ белги (*айланба* орынлық). 2. Феъл-атвор (*қызба* адам). 3. Мураккаб атамаларни (*қаратпа* ағза, *қазылма* байлық) ясайди.

–*малы//мели*, –*балы//бели*, –*налы//нели* аффикси ҳозирги даврда янги маънодаги сўзларни ҳосил қилмоқда. Масалан: Қоңырат районында район басшыларының қатнасында *көшпели қабыллаўхана* шөлкемлестирилди («Еркин Қарақалпақстан» газетасы). Айдамаған машыным қалмады, асфальтқа суў

<sup>7</sup> Раҳматуллаев Ш. –дек форманти ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1977. – №4. – Б.48-52.

<sup>8</sup> Мусабаев Г. Қазақ тилиндегі сын есімнің шырайлары. – Алматы: 1961. – Б.90.

<sup>9</sup> Нажимов П.А. Қарақалпақ тилинде теңеўлер. – Нөкис: Qaraqalpaqstan. 2014. – Б.16.

себетуғын машын айдадым, канализация тартатуғын машын айдадым, *шөңкермели машын* айдадым (М.Нызанов).

–*ыңқы//иңки* аффикси кўшма аффикс ҳисобланади: –*ың+қы// –иң+ки*<sup>10</sup>. Маълум тарихий даврда бу кўшма аффикс бўлган бўлиши мумкин. Аммо қорақалпоқ тилида морфемаларга ажралмайди. М.Қудайбергенов дастлабки –*ың//иң* қисмини интерфонема деб атайди<sup>11</sup>. Бу аффиксдан ясалган сифатлар белгининг ортиқлигини ифодалайди: Кеўлиң *көтериңки* илхам-йош болар, Жақсы адамларға жолыққан күни (И.Юсупов).

–*ый//ий* аффикси қорақалпоқ тилига арабча сўзлар таркибида кириб келган: *адебий*. Бу аффикс ёрдамида қорақалпоқ тилининг ўзида ясалган сифатлар учрамайди.

Ҳозирги қорақалпоқ адабий тилининг сўз ясалиши ва морфология соҳаларига оид адабиётларда асос билан яхлит ҳолда бўлган –*лақ* (қумлақ), –*ты//ти* (қатты), –*асы//еси* (аласы, өлеси), –*ын//ин* (ағын, саўын), –*нды* (шашыранды), –*ы//и* (толы, өли), –*ғын//гин*, –*қын//кин* (қызғын, тасқын, кескин), –*ыл//ил* (батыл) аффикслари бугунги кунда ҳам сўз ясовчилар сифатида берилган<sup>12</sup>. Бу аффикслар муайян даврда сўз ясовчилар таркибида қаралиб, сўз ясада фаол иштирок этган бўлсада, ҳозирги давр нуқтаи назаридан асос ва кўшимчаларга ажратмасдан маҳсулсиз аффикслар деб қараш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг «Сўз кўшиш усулида ясалган сифатлар» деб номланган иккинчи бобида сифатларнинг мураккаб, жуфт, такрор, кўшма шакллари тадқиқ этилиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида гуруҳларга ажратилган ва маъно хусусиятлари очиб берилган.

Иккинчи бобнинг «Мураккаб сўзлардан ясалган сифатлар» деб номланган биринчи қисмида мураккаб сифатларнинг тузилиши ва маъно хусусияти ўрганилган. Кўшма сифатларнинг бу гуруҳи адабиётларда «бирикпеген», «дизбекли»<sup>13</sup>, «составлы»<sup>14</sup>, «қурамлы»<sup>15</sup> каби номлар билан берилган. Аммо бу атамалар сифатнинг бундай шаклини тўла қамраб ололмайди. Чунки кўшма сўзлар таркибига кўра камида икки қисмдан тузилгани боис, «составлы» ёки «қурамлы» лексемаси маъно жиҳатидан кўшма сўзларнинг барча турига тегишли. Бизнингча, бу атамалар ўрнида «қурама» (мураккаб) атамасини қўллаш ўринлидир. «Бирикпеген» атамаси кўшма сўзлар қоидасига зид, чунки сўзлар ўзаро бирикмаса, қандай қилиб кўшма сўз бўлиши мумкин? «Составлы», «дизбекли» атамалари синтактик категорияларга оид бўлиб, бу атамалардан сўз ясалишида фойдаланиш жоиз эмас. Шу сабабли

<sup>10</sup> Қазақ тілінің грамматикасы. I. Морфология. – Алматы: Ғылым, 1967. – Б.79.

<sup>11</sup> Қудайбергенов М. Қарақалпақ тилинің морфонологиясы. – Ташкент: Зар қалам, 2006. – Б.102.

<sup>12</sup> Ҳазирги қарақалпақ әдебий тилинің грамматикасы. Сөз жасалыў хәм морфология. – Нөкис: Билим, 1994. – Б.50; Da'wletov A., Da'wletov M., Qudaybergenov M. Ha'zirgi qaraqalpaq a'debiy tili. Morfemika, morfonologiya, so'z jasalw, morfologiya. – No'kis: Bilim, 2010. – Б.57.

<sup>13</sup> Ҳазирги қарақалпақ тили. Морфология. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1974. – Б.50.

<sup>14</sup> Ҳазирги қарақалпақ тили. Морфология. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1981. – Б.18; Ҳазирги қарақалпақ әдебий тилинің грамматикасы. Сөз жасалыў хәм морфология. – Нөкис: Билим, 1994. – Б.22.

<sup>15</sup> Da'wletov A., Da'wletov M., Qudaybergenov M. Ha'zirgi qaraqalpaq a'debiy tili. Morfemika, morfonologiya, so'z jasalw, morfologiya. – No'kis: Bilim, 2010. – Б.59.

қўшма сифатларнинг бу шаклини «қурама келбетликлер» (мураккаб сифатлар) деб номладик. Бу атама қўшма сифатларнинг бу гуруҳига грамматик таркиби ва маъно жиҳатидан тўла мос келади.

Йиғилган материаллар асосида мазкур сифатларни тузилишига кўра икки гуруҳга ажратилди: 1. «Иккала қисми ҳам асос сўзлар» шаклли; 2. «Биринчи қисми туб сўз, иккинчи қисми ясама сўз» шаклли.

1. Иккала қисми ҳам асос сўзлардан таркиб топган мураккаб сифатлар қуйидаги моделларда учрайди: 1) «Икки компоненти ҳам аслий сифат» модели. Бу гуруҳга мансуб сифатлар рангни ифодалайди: Биреўи жигирмадан асқан, жука жүзли, *қара торы* жигит (К.Султанов). Об-ҳаво белгисини кўрсатади: Аспандағы ала шапыран қара сур бултлар менен *қоңыр салқын* аяз гүздин жақынлап қалғанын адамға еркисиз ойлатқандай еди (Н.Дәўқараев). 2) «Биринчи компоненти аслий сифат, иккинчиси қисми от» модели. Бу моделга тегишли *ақ шаш*, *ақ сақал* сифатлари ранг билан бирга «ёши улуғ» маъносини билдирса, *ақ тамақ*, *ақ билек* сифатлари хотин-қизларнинг алоҳида гўзаллик белгисини кўрсатади: Ерман кириў менен *ақ шаш* ананың қолынан алып столға жақын отырды (С.Хожаниязов). Қәлем қаслы, хош қылықлы нигарым, *Ақ тамақ*, қыпша бел сүйикли ярым (Әжинияз). Бу гуруҳдағы сифатлар ижтимоий ҳолатни ҳам ифодалайди: Өзи аты биринши аўылдағы *ғарип ҳал* адам еди (М.Нызанов). 3) «Икки компоненти ҳам от» модели: *алма көз*, *бота көз*, *қой көз*, *қара көз*, Гей бир қыздың бет жүзиниң бәри көз (И.Юсупов). Бу моделга тегишли сўзлар фақат инсонга хос ташқи белгини ифодалайди.

2. «Биринчи қисми туб сўз, иккинчи қисми ясама сўз» шаклидағы мураккаб сифатларнинг моделлари қуйидагича бўлади: 1) «Биринчи компоненти аслий сифат, иккинчиси –лы//–ли аффиксли нисбий сифат» модели: *орта бойлы*, *көк көзли* каби. 2) «Биринчи компоненти от, иккинчи компоненти –лы//–ли аффиксли сифат» модели: *қой көзли*, *сепкил бетли* ва шу каби. 3) «Биринчи компоненти эгалик шаклидағы от, иккинчи компоненти –лы//–ли аффиксли сифат» модели: *қолы өнерли*, *қолы епли* ва ҳоказо. 4) «Биринчи компоненти от, иккинчиси *аралық сўзи*» модели: *қала аралық* байланыс, *миллетлер аралық* татыўлық. Қўшма сифатларнинг бундай шакли рус тилидан калька ёрдамида ўзлашган. 5) «Биринчи компоненти сон, иккинчиси –лы//–ли аффиксли сифат» модели: *төрт аяқлы*, *бес бөлмели* ва бошқалар. Район турғынларына Ғәрезсизлигимиздин 28 жыллық байрамы ҳурметине сыйлы саўға ретинде *төрт қабатлы*, *үш подъезли* турак жайды тапсырыўға лебиз билдирген едик («Еркин Қарақалпақстан» газетасы). 6) «Биринчи компоненти сон, иккинчи компоненти –лық//–лик аффиксли сифат» модели: *еки жыллық* оқыў, *елиў киллолық* қалта ва шу кабилар.

Қарақалпоқ тилига оид адабиётларда бу усул «сўз қўшиш ва аффиксация» ёки «морфологик-синтактик усул» деган атамалар орқали берилган<sup>16</sup>. А.Ҳожиёв бу сўз бирикмаларига –лық//–лик аффикси қўшилгани билан янги сўз ясалмайди

<sup>16</sup> Бекбергенов А. Қарақалпақ тилинде сөзлердин жасалыўы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. – Б.8; Ҳәзирги қарақалпақ әдебий тилиниң грамматикасы. Сөз жасалыў хәм морфология. – Нөкис: Билим, 1994. – Б.26.

деб<sup>17</sup>, К.Шарипова бу сўз бирикмаларида сонлар сифатларнинг олдида ишлатилиб, вақт ва замоннинг бўлагини ифодаловчи сифатлар ясайди деб кўрсатади<sup>18</sup>. П.Нажимов сўз ясаши ҳодисасида бир вақтнинг ўзида икки ҳодиса тенг ҳаракат қилиши мумкин эмас, шу боис бундай сўзларни аффиксация усули билан ясалган сўзлар қаторига киритиш ўринли деб ҳисоблайди<sup>19</sup>. Ҳақиқатан ҳам бу усул билан сўз ясашида асосий вазифани аффикслар бажаради.

7) «Биринчи компоненти равиш, иккинчиси *-лы//-ли* аффиксли сифат» модели: *көп буўынлы, мол зурээтли* ва шу кабилар. 8) «Биринчи компоненти равиш, иккинчиси *-лық//-лик* аффиксли сифат» модели: *көп жыллық* каби. 9) «Биринчи компоненти равиш, иккинчи компоненти *-ар//-ер, -р* шаклли сифатдош» модели: *ерте писер, кеш писер* ва бошқалар.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз бўлган масалалардан бири илмий адабиётларда *тас баўыр, ақ көкирек, маңлайы қара, минези шеп, аўызы ашық* ва шу каби фразеологизмлар мураккаб сифатлар таркибида ўрганилган<sup>20</sup>. Бу каби мисоллар туркий тиллардаги адабиётларда ҳам учрайди<sup>21</sup>.

А.Бекбергеновнинг фикрича, атрибутив фразеологизмлар, мураккаб сифатлар ва равишлар яқин бўлади. Шу боис баъзи (кўпинча икки қисмли) атрибутив фразеологизмларни ҳам морфологик жиҳатдан мураккаб сифат ва равишлар таркибида ўрганиш керак. Бундай фразеологизмлар қайси сўз таркибига кирадиган бўлса, ўша сўз таркибидаги сўзларга синоним бўлади ва ўша сўзнинг шакл ясовчи ва сўз ўзгартирувчи аффиксларини қабул қилаверади, – деб *тас баўыр* (мийримсиз, катал) – *жүдә тас баўыр, ер жүрек* (мэрт) – *жүдә ер жүрек* мисолларини келтиради<sup>22</sup>. Қ.Бекбергенов фраземалар ва мураккаб сўзлар таркибидаги қисмларнинг фонетик ўзгариши, қисмларининг алоҳида сўз бўлиш-бўлмаслиги, урғунинг характери, бадийлик ва экспрессия сингари 4 хил хусусиятини кўрсатади<sup>23</sup>. Бизнингча, фразеологизмларни мураккаб сифатлар таркибида ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас. Биринчидан, мураккаб сифатлардаги маъно фразеологизмлардаги каби экспрессивликка эга эмас. Иккинчидан, қўшма сўзларда синонимлик кузатилмайди: *қара көзли*; фраземалар оддий сўзлар билан синонимик муносабатда бўлади: *ер жүрек – мэрт, батыр*. Учинчидан, фразеологизмлар маъно жиҳатидан қайси сўз туркуми ўрнида қўлланса, ўша сўз туркумининг синтактик шакл ясовчи аффиксларини қабул қилаверади. Масалан, *ала жипти кесисиў* (феъл) – *ала*

<sup>17</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясаши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – Б.71.

<sup>18</sup> Шарипова К. *-лик* аффиксининг сифат ясовчи вазифасида қўлланилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – №5. – Б.69-71.

<sup>19</sup> Нажимов П.А. Қарақалпақ тилиндегі сөзжасам тәсілдері // «Ұлы дала». I-ші гуманитарлық ғылыми форумның материалдары. – Астана: 2016. – Б.271-277.

<sup>20</sup> Бекбергенов А. Қарақалпақ тилинде сөзлердің жасалыуы. – Б.28; Ҳәзирги қарақалпақ әдебий тилинің грамматикасы. Сөз жасалыу хәм морфология. – Б.53.

<sup>21</sup> Содиқова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.32; Türkmen diliniň grammatikasy. Morfologijä. – Aşgabat: Ruh, 2000. – Б.95; Қазақ грамматикасы. Фонетика, сөзжасам, морфология, синтаксис. – Астана: Астана полиграфия, 2002. – Б.360.

<sup>22</sup> Бекбергенов А. Қарақалпақ тилинде сөзлердің жасалыуы. – Б.24

<sup>23</sup> Bekbergenov Q.A. Qospa so'zlerdin' basqa til birliklerinen ay'rmashi'li'g'i' // ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг ахборотномаси. – Нукус, 2014. – №4. – Б.107.



*жипти кесистим, ала жипти кесистик* ва бошқалар. Тўртинчидан, фразеологизмлар бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилинмайди: *бети қалың* – уятсыз; мураккаб сифатларни бошқа тилга таржима қилиш имконияти мавжуд: *қара көзли* – черноглазый, *қара көк* – темно-синий ва ҳоказо.

Қорақалпоқ тилшунослигига оид адабиётларда сифатнинг орттирма даражасининг аналитик шакллари ҳам мураккаб сифатлар таркибига киритилган: *дым жақсы, оғада қызық, жүдә кеўилли* ва бошқалар<sup>24</sup>. Сифатнинг орттирма даражаси шакллари янги маъноли сўз ясамайди, у сўзга фақат қўшимча грамматик маъно юклайди, шу боис бу шаклларни мураккаб сифатлар сифатида баҳолаш назарий жиҳатдан тўғри фикр эмас.

Иккинчи бобнинг иккинчи қисми «**Сўзларнинг жуфтлашишидан ясалган сифатлар**» деб номланиб, қорақалпоқ тилидаги жуфт сифатлар таркиби, маъно хусусиятлари таҳлил қилинган. Жуфт сифатлар маъносига кўра уч гуруҳга ажратилди: 1) иккала компоненти ҳам лексик маънога эга бўлган жуфт сифатлар; 2) бир компоненти лексик маънога эга бўлмаган жуфт сифатлар; 3) иккала компоненти ҳам лексик маънога эга бўлмаган жуфт сифатлар.

1. Иккала компоненти ҳам лексик маънога эга бўлган жуфт сифатлар. Бу гуруҳга кирувчи жуфт сифатлар қуйидаги кўринишларга эга: 1) «Икки компоненти ҳам аслий сифатлар» шаклли: *ақ-қара, уллы-киши* ва шу каби. 2) «Иккала қисми ҳам калькаланган сифатлар» шаклли: *нормативлик-ҳуқықый, салыстырмалы-тарийхый*. 3) «Икки компоненти ҳам –лы//–ли аффиксли сифатлар» шаклли: *өтирикли-ыраслы, бойлы-сынлы* каби. 4) «Биринчи қисми –лы//–ли, иккинчи қисми –сыз//–сиз аффиксли сифатлар» шаклли: *керекли-керексиз*. Бунда антонимларнинг редупликацияси юзага келади. 5) «Иккала қисми ҳам –сыз//–сиз аффиксли сифатлар» шаклли: *елсиз-журтсыз, гамсыз-тәшүишсиз* ва бошқалар. 6) «Иккала қисми ҳам –малы//–мели аффиксли сифатлар» шаклли: *алынбалы-салынбалы, келмели-кетпели*. 7) «От-сифат» шаклли: *ақыл-парасатлы, ақыл-если* ва бошқалар.

2. Биринчи компоненти маъноли, иккинчи компоненти лексик маънога эга бўлмаган жуфт сифатлар. Бу турдаги жуфт сифатларнинг биринчи компоненти сифат, иккинчи компоненти маъно англатмайдиган сўзлардан иборат бўлади: *жаман-жәўтик, майда-шүйде* ва шу кабилар. Гилең *жаман-жәўтик* ыссы нанға алғысыз биз қусаған дәйексизлер аман қалып атыр (Ш.Сейтов).

3. Иккала компоненти ҳам лексик маънога эга бўлмаган жуфт сифатлар. Бу турга кирувчи жуфт сифатлар икки гуруҳга бўлинади: 1) «Икки компоненти ҳам лексик маънога эга бўлмаган сўзлар» шаклли: *ебин-жорық, ызым-сызым* ва бошқалар. *Ызым-сызым* бир хабар бар, дўнья-малдан наўнышан қалдыра жақ емес (Ш.Сейтов). 2) «Биринчи қисми кучайтирувчи бўғин, иккинчи қисми маъно англатмайдиган сўзлар» шаклли: *шым-шытырық, шым-шырқадай* ва бошқалар. Ол *шым-шытырық* ойлардан қутылыў ушын қайтадан атланды (Т.Қайыпбергенов).

<sup>24</sup> Ҳазирги қарақалпақ әдебий тилинің грамматикасы. Сөз жасалыў хәм морфология. – Б.53.

Кучайтирувчи бўғинлар ёрдамида, одатда, жуфт сифатлар ясалмайди: *қып-қызыл, сап-сары* ва бошқалар. Аммо, бу мисоллардаги кучайтирувчи бўғинлар ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, маъно англатадиган асосга қўшиладиган бўғинлар *-п* товуши билан тугаса, маъно англатмайдиган асосга қўшиладиган бўғинлар *-м* товуши билан тугайди. Иккинчидан, маъно англатадиган сўзлар кучайтирувчи бўғинларсиз ҳам асос сифатида қўллана олади (*қып-қызыл – қызыл*), маъно англатмайдиган сўзлар кучайтирувчи бўғинларсиз алоҳида қўлланилмайди, иккаласи жуфтлашиб, бутун маънони ташкил этади. Кўриниб турганидек, кучайтирувчи бўғинларсиз юқоридаги маъно англатмайдиган жуфт сифатлар ясалмайди. Шу боис, *-м* товушли кучайтирувчи бўғинларни сифатнинг асосий интенсив шаклларида алоҳида тарзда, жуфт сифатлар таркибида ўрганиш керак.

Иккинчи бобнинг «Сўзларнинг такрорланишидан ясалган сифатлар» деб номланган учинчи қисмида қорақалпоқ тилида такрор сифатларнинг тузилиши ва маъно хусусияти талқин қилинган. Такрор сифатлар кўпгина адабиётларда жуфт сифатларнинг бир тури сифатида қаралади<sup>25</sup>. Аслида жуфт сифатларнинг компонентлари бошқа-бошқа сўзлардан таркиб топса (*ақыллы-если*), такрор сифатлар шаклан бир лексемаларнинг такрорланишидан ясалади (*ўлкен-ўлкен*). Жуфт сифатлар умумлаштириш, жамлаш маъноларини ифодаласа, такрор сифатлар кўплик, такрорланиш белгиларини ифодалайди. Шу боис, жуфт ва такрорий сифатларни алоҳида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

А.Нажимов қорақалпоқ тилидаги такрор сифатларни лексик-синтактик усул билан ясади, от ва сифатлар такрорланади деб кўрсатади<sup>26</sup>.

Такрор сифатлар иккала қисми ҳам маъно англатадиган сўзлардан ясалади. 1) «Икки компоненти ҳам аслий сифатлар» шаклли: Ақсақал аўылына *төте-төте* жоллар менен айдады (Ш.Сейтов). 2) «Икки компоненти ҳам нисбий сифатлар» шаклли: Ески қаланың *ийрек-ийрек* тар көшелеринен гүүилдеген самал есип, шаңларды бурқыратып алып кетеди (С.Салиев). 3) «Икки компоненти ҳам отлардан ташкил топган» шаклли: *Пада-пада* малларды таслап келгенин жаратпаса да Ниязымбет бай оларға бурынғыдай ҳәкиреңлей алмады (Т.Қайыпбергенов). 4) «Икки компоненти ҳам олмошлардан ташкил топган» шаклли: Сол заматы Толыбайға: «ал, енди *сондай-сондай* ызым-сызым хабар еситтим, Шундый Суўдырдан еситипти» деп туйдырып кетти Сыдық (Ш.Сейтов).

Такрорий сифатларга оид масалалардан бири сифатнинг интенсив шаклларидаги такрорий сифатлар қаторига киритилиши ҳисобланади: *ун-ўлкен, сап-сары* ва бошқалар<sup>27</sup>. Н.А.Баскаков, А.Ысқақов ва А.Бекбергеновлар сифатнинг интенсив шакллари «кучайтирма бўғинли такрор сифатлар» деб<sup>28</sup>,

<sup>25</sup> Содикова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.35; Қазақ грамматикасы. Фонетика, сөзжасам, морфология, синтаксис. – Астана: Астана полиграфия, 2002. – Б.357.

<sup>26</sup> Нажимов А. Қарақалпақ тилиндеги жуп хәм тәкирар сөзлер. – Б.3.

<sup>27</sup> Ҳәзирги қарақалпақ әдебий тилинің грамматикасы. Сөз жасалыў хәм морфология. – Б.54.

